

Пушкин ва Қуръон



09:00 / 14.06.2023 1144

(учинчи мақола)

И путник усталый на бога роптал:
Он жаждой томился и тени алкал.
В пустыне блуждая три дня и три ночи,
И зноем и пылью тягчимые очи
С тоской безнадежной водил он вокруг,
И кладез под пальмою видит он вдруг.

И к пальме пустынной он бег устремил,
И жадно холодной струёй освежил
Горевшие тяжко язык и зеницы,
И лёг, и заснул он близ верной ослицы
И многие годы над ним протекли
По воле владыки небес и земли.
Настал пробужденья для путника час;
Встаёт он и слышит неведомый глас:
«Давно ли в пустыне заснул ты глубоко?»

И он отвечает: уж солнце высоко
На утреннем небе сияло вчера;
С утра я глубоко проспал до утра.

Но голос: «О путник, ты долее спал;

Взгляни: лёг ты молод, а старцем восстал;
Уж пальма истлела, а кладез холодный
Иссяк и засохнул в пустыне безводной,
Давно занесённый песками степей;
И кости белеют ослицы твоей».
И горем объятый мгновенный старик,
Рыдая, дрожащей главою поник...
И чудо в пустыне тогда совершилось:
Минувшее в новой красе оживилось;
Вновь зыблется пальма тенистой главой;
Вновь кладез наполнен прохладой и мглой.

И ветхие кости ослицы встают,
И телом оделись, и рев издают;
И чувствует путник и силу, и радость;
В крови заиграла воскресшая младость;
Святые восторги наполнили грудь:
И с богом он дале пускается в путь.

Сўнг хорғин йўловчи шаккоклик қилди,
Сув ила сояни тангри деб билди.
Саҳрода тентираб уч кеча-уч кундуз,
Ҳарорат ва чангдан зўрға очиб кўз,
Боқаркан атрофга ноумид, нолон,
Хурмою қудуқни кўрди ногаҳон.

У танҳо хурмога отди ўзини,
Ёрилган тилию қақроқ кўзини.
Оромбахш сув ила сарафроз этди,
Сўнг хачир ёнида уйқуга кетди.
Ва ўтди устидан йиллар карвони,
Биру бор Тангрининг шудир фармони.
Келганда йўлчига уйфонмоқ они
Кўз очиб тинглади олис нидони:
«Кўпданми уйқуга кетдинг саҳрода?»

У жавоб беради: «Кеча самода

Чошгоҳнинг қуёши кезарди юксак
Чошгоҳдан то чошгоҳ ухлабман демак».
Нидо дер: «Йўқ, йўлчи, ухладинг узоқ,
Ётганда ёш эдинг қарибсан-ку, боқ.

Боқ хурмо ўрнида бир ҳовуч кукун,
Бу сувсиз масканда қуримиш бутун.
Қум босган ул қудуқ – саҳро булоғи,
Боқ, ётар оқариб хачир чаноғи».
Ғам билан оҳ чекди бир лаҳзалик чол
Қалтироқ бошини эгиб бемажол,

Мўъжиза рўй берди шу дам саҳрода –
Барига жон кирди янги жилода
Яна бош силкиди эпкиндаги хурмо,
Яна сувга тўлди қудуқ руҳафзо.

Оқарган сўнгаклар тикланиб бир-бир,
Вужудга кирдию ҳангради хачир.
Йўлчи қувонч туйди, кучи жўш урди,
Қонида тирилган ёшлик ғурури.
Илоҳий бир ҳайрат қўзғалди унда,
Худони ёд айлаб йўл олди шунда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, рус шоири Пушкиннинг ижодида Қуръон муҳим манбаа сифатида салмоқли ҳисса қўшган. Зеро, илоҳий китобнинг Европа шоирлари тафаккурига таъсири Қуръон ва адабиёт мавзусининг кичик бир қисми, холос.

Изоҳ: 1696 йил Абиссиния (ҳозирги Эфиопия) ёки Камерун ҳудудида туғилган Иброҳим Ҳанбал африкалик амир – Усманийлар салтанати вассалининг ўғли бўлиб, етти яшарлигида асирга олиниб, Константинополга жўнатилади. Бир йил ўтиб, истамбуллик савдогарлар қора танли болани Москвага олиб бориб, ўзига хос совға сифатида Пётр I га тортиқ қилишади. Саройда яшаб, хизмат қилиб юрган Иброҳим тез орада рус подшоҳи ишончини қозонади. Пётр I ёрдами билан чет элда ўқиб, 1756 йилда рус армиясининг бош ҳарбий муҳандиси даражасига эришади. 1759 йилда генерал-аншеф унвонига эга бўлади.

Мақолада келтирилган «Қуръондан иқтибос» шеърлари Абдулла Шер ва Дилбар Қамбарова томонидан ўзбекчага таржима қилинган.

(Тамом)

Шухрат Абдуҳамид ўғли тайёрлади
«Ҳилол» журналининг 3(48) сонидан